

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„27 “ сентябрь 2017 й. г. № 772

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Давлат ёнгин хавфсизлиги хизматининг ёнгин хавфсизлиги инспекторларини, шунингдек, ёнгинларни ўчириш бўлинмаларининг сафдорлар таркиби ва хизматчиларини пул мукофоти билан тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички ишлар органлари ёнгин хавфсизлиги бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 23 майдаги ПҚ-2992-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Давлат ёнгин хавфсизлиги хизматининг ёнгин хавфсизлиги инспекторларини, шунингдек, ёнгинларни ўчириш бўлинмаларининг сафдорлар таркиби ва хизматчиларини пул мукофоти билан тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бир ой муддатда ўзининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

3. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

идоравий мансуб объектларнинг, шу жумладан бозорлар ва йирик савдо мажмуаларининг ёнгинга қарши ҳолати учун масъул бўлган мансабдор шахслари фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқсинлар, ушбу объектларнинг ёнгинга қарши химоя тизимлари ва воситаларини қўйиладиган талабларга мувофиқлаштирасинлар;

объектларнинг ёнгинга қарши ҳолати учун масъул бўлган шахсларини ушбу қарорга мувофиқ моддий рағбатлантиришнинг самарали механизмини яратсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазири Б.А.Хўжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 27 сентябрдаги  
772 - сон қарорига  
илова

**Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг ёнғин хавфсизлиги инспекторларини,  
шунингдек, ёнғинларни ўчириш бўлинмаларининг сафдорлар таркиби ва  
хизматчиларини пул мукофоти билан тақдирлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг юксак касб маҳоратини намойиш этаётган, ёнғинларнинг олдини олиш ва ўчиришга салмоқли ҳисса қўшаётган ёнғин хавфсизлиги инспекторларини, шунингдек, ёнғинларни ўчириш бўлинмаларининг сафдорлар таркиби ва хизматчиларини пул мукофоти билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

Ёнғин хавфсизлиги инспекторларини, шунингдек, ёнғинларни ўчириш бўлинмалари сафдорлар таркиби ва хизматчиларини моддий рағбатлантириш (пул мукофоти билан тақдирлаш) йўли билан уларнинг хизмат фаолиятини такомиллаштириш ушбу Низомнинг мақсади ҳисобланади.

2. Юксак касб маҳоратини намойиш қилаётган ва ёнғинларнинг олдини олиш ва ўчиришга салмоқли ҳисса қўшаётган ходимлар қуйидаги тартибда:

ёнғин хавфсизлиги инспекторлари – ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага биноан ҳар чорак якуни бўйича бир лавозим маоши миқдоригача миқдорда бирйўла пул мукофоти билан;

ёнғинларни ўчириш бўлинмаларининг сафдорлар таркиби ва хизматчилари – ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схемага биноан йил якунлари бўйича бир лавозим маошигача миқдорда бирйўла пул мукофоти билан рағбатлантириладилар.

Ушбу пул мукофоти ички ишлар органлари ходимларини рағбатлантиришнинг амалдаги тизимига қўшимча ҳисобланади.

**2-боб. Пул мукофоти билан тақдирлаш тартиби**

3. Пул мукофоти билан тақдирлаш ушбу Низомга 3-иловада келтирилган шартлар ва мезонларга мувофиқ Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг ёнғин хавфсизлиги инспекторларини, шунингдек, ёнғинларни ўчириш бўлинмаларининг сафдорлар таркиби ва хизматчиларини баҳолаш натижалари бўйича амалга оширилади.

4. Ишлаб чиқилган рейтинг тизими бўйича ёнғин хавфсизлиги инспекторларининг касбий яроқлилигини баҳолаш натижалари ҳар бир йил чораги якунлари бўйича ёнғин хавфсизлиги инспекторларини пул мукофоти билан тақдирлаш учун асос ҳисобланади.

Ёнғин хавфсизлиги инспекторларининг касбий яроқлилигини баҳолашнинг рейтинг тизими Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 27 сентябрдаги  
772 - сон қарорига  
илова

**Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг ёнғин хавфсизлиги инспекторларини,  
шунингдек, ёнғинларни ўчириш бўлинмаларининг сафдорлар таркиби ва  
хизматчиларини пул мукофоти билан тақдирлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг юксак касб маҳоратини намойиш этаётган, ёнғинларнинг олдини олиш ва ўчиришга салмоқли ҳисса қўшаётган ёнғин хавфсизлиги инспекторларини, шунингдек, ёнғинларни ўчириш бўлинмаларининг сафдорлар таркиби ва хизматчиларини пул мукофоти билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

Ёнғин хавфсизлиги инспекторларини, шунингдек, ёнғинларни ўчириш бўлинмалари сафдорлар таркиби ва хизматчиларини моддий рағбатлантириш (пул мукофоти билан тақдирлаш) йўли билан уларнинг хизмат фаолиятини такомиллаштириш ушбу Низомнинг мақсади ҳисобланади.

2. Юксак касб маҳоратини намойиш қилаётган ва ёнғинларнинг олдини олиш ва ўчиришга салмоқли ҳисса қўшаётган ходимлар қуйидаги тартибда:

ёнғин хавфсизлиги инспекторлари – ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага биноан ҳар чорак якуни бўйича бир лавозим маоши миқдоригача миқдорда бирйўла пул мукофоти билан;

ёнғинларни ўчириш бўлинмаларининг сафдорлар таркиби ва хизматчилари – ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схемага биноан йил якунлари бўйича бир лавозим маошигача миқдорда бирйўла пул мукофоти билан рағбатлантириладилар.

Ушбу пул мукофоти ички ишлар органлари ходимларини рағбатлантиришнинг амалдаги тизимига қўшимча ҳисобланади.

**2-боб. Пул мукофоти билан тақдирлаш тартиби**

3. Пул мукофоти билан тақдирлаш ушбу Низомга 3-иловада келтирилган шартлар ва мезонларга мувофиқ Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг ёнғин хавфсизлиги инспекторларини, шунингдек, ёнғинларни ўчириш бўлинмаларининг сафдорлар таркиби ва хизматчиларини баҳолаш натижалари бўйича амалга оширилади.

4. Ишлаб чиқилган рейтинг тизими бўйича ёнғин хавфсизлиги инспекторларининг касбий яроқлилигини баҳолаш натижалари ҳар бир йил чораги якунлари бўйича ёнғин хавфсизлиги инспекторларини пул мукофоти билан тақдирлаш учун асос ҳисобланади.

Ёнғин хавфсизлиги инспекторларининг касбий яроқлилигини баҳолашнинг рейтинг тизими Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

5. Касб маҳоратининг юксак даражасини намоёиш қилаётган, ёнғинларнинг олдини олишга салмоқли ҳисса қўшаётган, ёнғинларни ўчиришда алоҳида намуна бўлаётган ёнғин хавфсизлиги инспекторларига, ёнғинларни ўчириш бўлинмаларининг сафдорлар таркиби ва хизматчиларига хизматни ўташ вақтида касбий ва жисмоний тайёргарлик даражасидан, хизмат фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш натижаларидан, шунингдек, бошқа кўрсаткичлардан келиб чиқиб моддий тақдирлашнинг қуйидаги тоифалари белгиланади:

1-тоифа – лавозим маошининг 100 фоизи миқдорида;

2-тоифа - лавозим маошининг 50 фоизи миқдорида.

6. Пул билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, ёнғин хавфсизлиги ҳудудий (объект) бошқармалари бошлиқлари томонидан имзоланади.

Ёнғин хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари) бошлиқларининг билдиргилари буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади.

7. Пул билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруқнинг матни тақдирлашга тавсия этилган ходимнинг бажарган ишининг асосланган баҳосини, тақдирлаш учун асосни ва унинг тоифасини ўз ичига олиши керак.

Пул мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруқ тегишли бўлинманинг бутун шахсий таркибига эълон қилинади.

### **3-боб. Пул мукофоти билан тақдирлаш манбалари**

8. Республика бюджети ҳисобига молиялаштирилаётган Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлинмаларининг ходимлари ва хизматчиларини пул мукофоти билан тақдирлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фонди маблағлари ҳисобига, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

9. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг шартномалар асосида ташкил этиладиган бўлинмалари ходимлари ва хизматчиларини пул мукофоти билан тақдирлаш шартнома асосида кўрсатилган хизматлар учун тушадиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

### **4-боб. Яқунловчи қондалар**

10. Пул мукофотини холисона ва тўғри тўлаш учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғига ва ёнғин хавфсизлиги ҳудудий (объект) бошқармалари бошлиқларига, шунингдек, билдиргилар тақдим этган ёнғин хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари) бошлиқларига юкланади.

11. Пул маблағларидан самарали фойдаланилиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

12. Ушбу Низом талаблари бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Давлат ёнгин хавфсизлиги хизматининг ёнгин хавфсизлиги инспекторларини, шунингдек, ёнгинларни ўчириш бўлимларининг сафдорлар таркиби ва хизматчиларини пул мукофоти билан тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
I-илова

**Ёнгин хавфсизлиги инспекторларини пул мукофоти билан тақдирлаш тартиби  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари
1-босқич	Шаҳар, туман ва объектлардаги ёнгин хавфсизлиги бўлимлари (бўлимлари) бошликлари	Ходимларнинг фаолиятини баҳолаб бориш	Йил чораги мобайнида
2-босқич	Шаҳар, туман ва объектлардаги ёнгин хавфсизлиги бўлимлари (бўлимлари) бошликлари	Белгиланган мезонлар асосида тўпланган баллар ва уларга илова қилинадиган ҳужжатларни вилоят ИИБ ЁХБга тақдим этади	Ҳар бир йил чораги тамом бўлгач кейинги ойнинг 5-қунигача
3-босқич	Ёнгин назорати ва профилактикасини ташкил этиш ҳамда тоифаланган объектларда ёнгин хавфсизлигини ташкил этиш бўлимлари (бўлимлари)	Тақдим этилган ҳужжатларни умумлаштиради, таҳлил қилади ва бошқарма раҳбариятини хабардор қилади	Уч кун муддатда
4-босқич	Молия-режа бўлими ва кадрлар бўлими	Пул мукофоти тўлаш ҳақидаги буйруқ лойҳасини тайёрлайди	Уч кун муддатда
5-босқич	ИИБ ЁХББ, ҳудудий ИИБ ЁХБ ва объектлардаги ЁХБ бошликлари	Пул мукофоти тўлаш ҳақидаги буйруқни имзолайди	Бир кун муддатда

Давлат ёнгин хавфсизлиги хизматининг ёнгин хавфсизлиги инспекторларини, шунингдек, ёнгинларни ўчириш бўлинмаларининг сафдорлар таркиби ва хизматчиларини пул мукофоти билан тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Ёнгинларни ўчириш бўлинмаларининг сафдорлар таркиби ва хизматчиларини пул мукофоти билан тақдирлаш тартиби  
СХЕМАСИ**

Боскичлар	Субъектлар	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари
1-боскич	Шахар, туман ва объектлардаги ёнгин хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари) бошликлари	Ходимларнинг фаолиятини баҳолайди	Йил мобайнида
2-боскич	Шахар, туман ва объектлардаги ёнгин хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари) бошликлари	Белгиланган мезонлар асосида тўпланган баллар ва уларга илова қилинадиган ҳужжатларни вилоят ИИБ ЁХБга тақдим этади	Ҳар бир йил тамом бўлгач кейинги ойнинг 5-қунигача
3-боскич	Касбий тайёргарликни ва ёнгинларни ўчиришни ташкил этиш ҳамда тоифаланган объектларда ёнгин хавфсизлигини ташкил этиш бўлимлари (бўлинмалари)	Тақдим этилган ҳужжатларни умумлаштиради, таҳлил қилади ва бошқарма раҳбариятини хабардор қилади	Уч кун муддатда
4-боскич	Молия-режа бўлими ва кадрлар бўлими	Пул мукофоти тўлаш ҳақидаги буйруқ лойҳасини тайёрлайди	Уч кун муддатда
5-боскич	ИИБ ЁХББ, худудий ИИБ ЁХБ ва объектдаги ЁХБ бошликлари	Пул мукофоти тўлаш ҳақидаги буйруқни имзолайди	Бир кун муддатда

Давлат ёнгин хавфсизлиги хизматининг ёнгин хавфсизлиги инспекторларини, шунингдек, ёнгинларни ўчириш бўлинмаларининг сафдорлар таркиби ва хизматчиларини пул мукофоти билан тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

**Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати инспекторларини, шунингдек, ёнгинларни ўчириш бўлинмаларининг сафдорлар таркиби ва хизматчиларини пул мукофоти билан тақдирлаш шартлари ва мезонлари**

Т/р	Фаолиятни баҳолаш мезони	Пул мукофоти билан тақдирлаш шартлари ва тоифалари	Буйруқ қабул қилиш учун асос
<b>Ёнгин хавфсизлиги инспектори</b>			
1	Йил чораги якунлари бўйича хизмат фаолиятидаги юқори натижалари, махсус билимлар ва кўникмаларни мунтазам равишда такомиллаштириб борганлиги учун	Йил чораги якуни бўйича рейтинг баллари асосида – 1 ва 2-тоифа	Шаҳар, туман ва объектлардаги ёнгин хавфсизлиги бўлими (бўлинмаси) бошлигининг билдиргиси
2	Бириктирилган ва бошқа хуудларда, объектларда, қурилмаларда юзага келиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олганлиги учун	Содир бўлган ҳар бир ҳолат бўйича – 1-тоифа	Шаҳар, туман ва объектлардаги ёнгин хавфсизлиги бўлими (бўлинмаси) бошлигининг билдиргиси
3	Спорт мусобақалари ва танловларда юқори натижалар кўрсатганлиги учун	Тадбирлар натижалари бўйича – 2-тоифа	Шаҳар, туман ва объектлардаги ёнгин хавфсизлиги бўлими (бўлинмаси) бошлигининг билдиргиси
4	Жиноятчиларни ушлашда иштирок этганлиги, жиноятларнинг олдини олганлиги учун	Содир бўлган ҳар бир ҳолат бўйича – 2-тоифа	Шаҳар, туман ва объектлардаги ёнгин хавфсизлиги бўлими (бўлинмаси) бошлигининг билдиргиси
5	Оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш ва тўхтатиш бўйича махсус тадбирларда фаол иштирок этганлиги учун	Ўтказиладиган махсус тадбирлар натижалари бўйича – 1-тоифа	Шаҳар, туман ва объектлардаги ёнгин хавфсизлиги бўлими (бўлинмаси) бошлигининг билдиргиси
6	Муҳофаза қилинаётган объектларда ёнгинларнинг олдини олиш ва тугатиш бўйича кўнгилли ёнгин муҳофазаси аъзоларини ҳамда ишчилар ва хизматчиларни ўқитганлик (тайёрлаганлик) учун	Машғулотлар ва машқлар натижалари бўйича – 2-тоифа	Шаҳар, туман ва объектлардаги ёнгин хавфсизлиги бўлими (бўлинмаси) бошлигининг билдиргиси
<b>Ёнгинларни ўчириш бўлинмаларнинг сафдорлар таркиби ва хизматчилари</b>			
7	Одамларнинг соғлиғи ва ҳаётига хавф солаётган ёнгинларда, табиий офатларда, фавқулодда ҳолатларда ва бошқа вазиятларда профессионаликни, қаҳрамонлик ва мардликни намоён этганлиги ва одамларни қутқарганлиги учун	Содир бўлган ҳар бир ҳолат бўйича – 1-тоифа	Шаҳар, туман ва объектлардаги ёнгин хавфсизлиги бўлими (бўлинмаси) бошлигининг билдиргиси

Т/р	Фаолиятни баҳолаш мезони	Пул мукофоти билан тақдирлаш шартлари ва тоифалари	Буйруқ қабул қилиш учун асос
8	Юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ёнғинлардан асраб қолиш жараёнида жонбозлик кўрсатганлиги учун	Содир бўлган ёнғин натижалари бўйича – 2-тоифа	Шаҳар, туман ва объектлардаги ёнғин хавфсизлиги бўлими (бўлинмаси) бошлиғининг билдиргиси
9	Ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда содир бўлган ёнғинларни ўчиришда жонбозлик кўрсатганлиги учун	Содир бўлган ёнғин натижалари бўйича – 1-тоифа	Шаҳар, туман ва объектлардаги ёнғин хавфсизлиги бўлими (бўлинмаси) бошлиғининг билдиргиси
10	Ўтказилган спорт мусобақаларида, танловларда, ёнғин-техник амалий машғулотлар ва машқларда юқори профессионаллик ва малакага эга эканлигини кўрсатганлиги учун	Ўтказилган тадбирлар якуни бўйича – 2-тоифа	Шаҳар, туман ва объектлардаги ёнғин хавфсизлиги бўлими (бўлинмаси) бошлиғининг билдиргиси
11	Жинойтчиларни ушлашда иштирок этганлиги, жиноятларнинг олдини олганлиги учун	Содир бўлган ҳар бир ҳолат бўйича – 2-тоифа	Шаҳар, туман ва объектлардаги ёнғин хавфсизлиги бўлими (бўлинмаси) бошлиғининг билдиргиси
12	Оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш ва тўхтатиш бўйича махсус тадбирларида фаол иштирок этганлиги учун	Ўтказилган махсус тадбирлар натижалари бўйича – 1-тоифа	Шаҳар, туман ва объектлардаги ёнғин хавфсизлиги бўлими (бўлинмаси) бошлиғининг билдиргиси